

ИСЛОМ ҚАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ ҚАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
ҚОРХОНАСИ

Мадрахимов Аллоберди Махмадалиевич

Ғўза поясидан олинган конденцион ёғоч толали тўлдиргич ва улардан
композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз
технологиясини ишлаб чиқиш

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳар – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мадрахимов Аллоберди Махмадалиевич

Ўзга поясидан олинган конденцион ёғоч толали тўлдиргич ва улардан композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш3

Мадрахимов Аллоберди Махмадалиевич

Разработка безотходной технологии получения конденционного древесно-волокнутого наполнителя из стеблей хлопчатника и композиционных древесно-пластиковых плитных материалов из них.....19

Madrakhimov Alloberdi Makhmadalievich

Development of a waste-free technology for the production of conditioned wood-fiber filler from cotton stems and composite wood-plastic plate materials from them35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works38

ИСЛОМ ҚАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ ҚАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
ҚОРХОНАСИ**

МАДРАХИМОВ АЛЛОБЕРДИ МАХМАДАЛИЕВИЧ

**ҒЎЗА ПОЯСИДАН ОЛИНГАН КОНДЕНЦИОН ЁҒОЧ ТОЛАЛА
ТЎЛДИРГИЧ ВА УЛАРДАН КОМПОЗИЦИОН ЁҒОЧ-ПЛАСТИКЛИ
ПЛИТАЛИ МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШНИНГ ЧИҚИНДИСИЗ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳар – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУКда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абед Нодири Сойибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бозорбоев Шухрат Абдурахимович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Улмасов Тулкин Усманович
техника фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат **11:00** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, веб-сайт: www.gupft.uz, «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали.)

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (34-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «15» декабрь № 34-21 рақамли реестр баённомаси).

С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзРФА академиги, т.ф.д., профессор

М.Э. Икромова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори ((PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қурилиш, мебель саноати ва машинасозликда ёғочдан тайёрланган маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада ғўза поясидан олинган конденцион ёғоч толала тўлдирувчиларни олиш учун махсус қурилмалар яратиш ҳамда улардан композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш қурилиш соҳасида, машинасозликда ва мебель саноатида фойдаланиш учун юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластик материалларни яратиш ва ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда юқори физик-механик ва технологик хусусиятларга эга бўлган, замонавий талабларга жавоб берадиган, майдаланган ёғоч қириндисида асосланган композицион ёғоч-пластикли плитали материалларининг самарали композицияларини ишлаб чиқиш учун инновацион ғоялар асосида махсус ускуна ва қурилмаларни яратиш ҳамда амалга ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан: пахта ишлаб чиқарувчи йирик мамлакатларда майдаланган ғўза поялари ва полимер боғловчили тўлдирувчилар асосида композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар ишлаб чиқариш учун махсус технология ҳамда қурилмалар яратиш, уларни амалиётга жорий этиш учун сифатли маҳсулотлар олиш усулларини ишлаб чиқиш, иккиламчи ресурслардан, айниқса кишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланиш ёғоч-пластикли плитали материалларга бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда қурилиш, мебель ва машинасозлик саноатини майдаланган ғўза поялари асосида олинадиган ёғоч-пластикли материаллар (ЁПМ) билан таъминлашда маълум бир тадқиқот ишлари олиб борилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, ...илмий ва инновация ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ғўза пояларини майдалаш ва улардан шартли тўлдирувчилар олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш, композицион ёғоч-пластик плита материалларини ишлаб чиқариш учун ғўза поясидан ёғоч толала тўлдирувчи олиш ва майдалаш технологиясини ишлаб чиқиш шунингдек, бир йиллик ўсимликлар поялари ва полимер боғловчилар асосида композицион ёғоч-пластик плита материалларнинг самарали таркибларини олиш ва оптимал технологик режимларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947 сонли Фармони, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479 сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22-сентябридаги «Ўзапояларидан ёғоч-пайраҳа қиринди плиталарини ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 319-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Композицион, полимер, ёғоч-пластик материалларни олиш технологиясини яратиш соҳасида: А. Hayashi, S. Hulemand, R. Morgen, A. D'Amore, D. Jully, G. Akovali, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, С.А. Вольфсон, А.А. Берлин, М.С. Акутин, Ю.С. Липатов, Э.Ф. Олейник, Ф. Мэттьюз, Г.С. Головкин, Ж.Х. Халиков, М.А. Аскарлов, С.С.Негматов, С.Ш. Рашидова, А.Х. Юсупбеков, ёғочни майдалаш технологиясини ишлаб чиқиш, шу жумладан бир йиллик ўсимликларнинг поялари ва улардан плита материаллари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасига А. Kumar, Н.Ј. Дерре, К. Ernst, Н. Sane, А.А. Moslemi, Н.А. Miller, В.А. Белого, А.И. Свиреденок, М.И. Петроковец, Е.И. Карасеев, С.А.Угрюмова, В.Н. Волонский, Г.И. Шварцман, В.В. Глухих, Г.А. Голубицкая, В.М. Курдюмова, В.Г. Савкина, А.В. Струк, В.П. Соломко, Р.Г. Махамова, А. Саримсакова, Г. Рахмонбердиева, А.А. Рыскулова, Ф.А. Магруппова, Р.С.Сайфутдинова, З.Мухитдинова, Б.Туляганова, А.С. Ибодуллаев ва бошқа кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Замонавий адабий манбалар таҳлили асосида шуни таъкидлаш керакки, ёғочни майдалаш ва композицион ёғоч-пластик плита материалларини ишлаб чиқиш технологиясини яратишда ғўза поясидан олинган тўлдирувчи моддалар (ёғоч қисми, толали қисми ва кичик қисми) ёрдамидаги тўлдирувчи фракциясини майдалаш ва таркибий хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг технологик омилларига қараб композицион ёғоч-пластик плита материалларининг физик-механик хусусиятларини шакллантириш таъсири қонуниятлари батафсил ёритилмаган. Бу эса ғўза пояларини майдалаб ундан ёғоч тола массали тўлдирувчиларни олиш технологик жараёни ва ёғоч-пластик материалларининг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда технологик хусусиятларини комплекс ўрганишнинг мураккаблиги билан изоҳланади. Ёғоч тола массали тўлдирувчиларнинг самарали таркибини олиш технологияси ва улардан тўлдирувчилар сифатида фойдаланиб, композицион ёғоч пластик плитали материалларни ишлаб чиқаришнинг илмий, услубий ва технологик

тамойиллари тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот иши айнан шу мауммони ечишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти И. Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси илмий тадқиқот ишлари режасининг №Ф-4-2.8.1 «Композицион полимер материалларнинг толали масса (пахта хомашё) билан ўзаро таъсирлашиши қонунияти ва табиатини ўрганиш», №А-6-2013 «Маҳаллий хомашёлар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан барқарор композицион қопламалар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш», №И-2016-7-5 «Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан олинган ёғоч тўлдирувчилардан фойдаланиб импорт ўрнини босувчи, бакелизр фанерларни (Россия) ўрнини босувчи, сувга ва ўтга чидамли ёғоч пластик плиталарни олиниш технологиясини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш» мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.²

Тадқиқотнинг мақсади ғўза поясидан олинган конденцион ёғоч толала тўлдиргич ва улардан композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

композицион ёғоч-пластик плита материалларни олиш учун конденцион ёғоч толали масса ва шунга мос равишда ғўза пайраҳаларини олиш учун ғўза пояларининг майдалаш жараёнларининг асосий омилларини аниқлаш;

ғўза пояларидан пайраҳаларини майдалашда ёғоч толали масса ҳосил бўлиш жараёнини назарий асослаш;

ғўза пояларидан пайраҳалар майдаланганда ёғоч толали массани ҳосил бўлиш жараёнини назарий асослаш;

композицион ёғоч пластик плита материаллар олиш учун ёғоч тола массали тўлдирувчини олиш ва пайраҳаларни иккиламчи майдалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

ғўза пояларидан тўлдирувчини ёғоч толали массасидаги пайраҳаларни майдалаш жараёни параметрларини ва материалларини хоссаларини ўзаро таъсир соҳаларини аниқлаш;

ёғоч толали тўлдирувчи олиш ва майдалаш технологиясини ишлаб чиқиш, композицион ёғоч-пластик плита материалларини олиш ва уларнинг тажриба партияларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

композицион ёғоч-пластик плита материаллар ишлаб чиқаришда ғўза поясидан ёғоч-тола массали тўлдирувчини олиш ва ғўза поясини майдалашда ишлаб чиқилган технологиясини қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзапоя, КФ-МТ маркали (0,2-0,3% сувли формальдегид) мочевиноформальдегид смола, композицион ёғочпластик плиталар олинган.

² Диссертация иши бўйича тегишли тадқиқотларни амалга оширишда ўз қимматли маслаҳатларини берганлари учун фалсафа доктори (DSc.) Д.К.Холмуродовага миннатдорчилик билдираман.

Тадқиқотнинг предмети ғўза поясини майдалашнинг технологик жараёнларини ва улар асосида ёғоч толали массалар олишнинг оптимал технологик режимларини аниқлаш ҳамда ғўзапояси фракцион таркиби ва хоссаларининг яратиладиган композицион ёғоч-пластик плита материаллар физик-механик хоссаларининг шаклланишига таъсирини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий тадқиқот усуллари ИҚ спектроскопия, рентген фаза, дифференциал термик таҳлил, оптик микроскопия ва бошқа стандарт усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

композицион плита материаллар учун ёғоч толали тўлдирувчилар олиш мақсадида ғўза поясини майдалашнинг технологик жараёни ишлаб чиқилган; майдалаш жараёнини икки босқичда амалга ошириш орқали ёғоч-пластик плита материаллар ишлаб чиқариш учун ёғоч толали тўлдирувчилар олинган; жараённинг самарадорлиги ва ғўзапоя пайраҳаларининг конденцион массадаги юқори миқдори, ғўза пояларини узатиш ва кесиш тезлигига боғлиқлиги аниқланган;

иккиламчи майдалаш тамойили назарий жиҳатдан асослаб берилган ва майдалаш самарадорлигини таъминлаб берувчи пичоқли валли ротор типдаги пайраҳали станокнинг ишчи органи ўрганилган ҳамда конструкциясига ўзгартириш киритиш тавсия этилган;

оптимал параметрларга эга бўлган тўлдирувчилар олиш учун ғўзапоя пайраҳасининг керакли бўлган узунлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ғўза пояларини майдалаб, ёғоч тола массали тўлдирувчилар олишнинг самарали технологияси ишлаб чиқилди ва улар асосида полимер боғловчилар ёрдамида юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган ёғоч-пластик плита материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиси яратилди;

ғўза поясини майдалаб ундан майдаланган ёғоч-толали массалар таркибини танлаб олишдаги илмий асосланган ёндошувлар асосида олинган натижалар ҳамда улардан олинган тўлдирувчилар ва полимер боғловчилар асосида юқори физик-механик хоссали ва эксплуатацион характеристикали ёғоч-пластик плита материаллар ишлаб чиқариш учун самарали композицион таркиблар яратишга имкон берган;

ғўза поясини майдалаш ва улар асосида ёғоч толали массалар олиш ҳамда КФ-МТ маркали мочевиноформальдегид смоласидан фойдаланиб ёғоч толали массаларни преслаш жараёнларининг оптимал технологик режимлари аниқланган;

олинган тадқиқот натижалари асосида ғўза поясидан композицион ёғоч-пластик плита материаллар олиш учун технологик регламент ишлаб чиқилган. конденцион ёғоч толали массалар олиш бўйича киритилган;

композицион ёғоч-пластик плита материаллар тайёрлаш учун ғўза поясидан ёғоч тола массали тўлдирувчилар олиш бўйича ишлаб чиқилган технология тажриба-саноат синовлари «PROSPER ALL» МЧЖ корхонасида ўтказилди ва ижобий далолатномалар олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган физик-кимёвий (ИК спектроскопия, оптик микроскопия, рентген структурали, кимёвий ва дифференциал термик таҳлил) ҳамда физик-механик ва триботехник тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги билан асосланган. Тадқиқот натижалари математик статистик методлар ёрдамида қайта ишланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғўза поясини майдалашдаги махсус ишлаб чиқилган усулларга, майдалаш натижасида ундан конденцион ёғоч тола массали тўлдирувчилар олишнинг концентрациясига, дисперслигига ҳамда мочевиноформальдегид смола ва технологик омилларнинг композицион ёғоч–пластик плита материалларининг физик–механик хоссаларига таъсир қонуниятларини ўрганиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғўза поясини майдалаш асосида олинган ёғоч тола массали тўлдирувчилардан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқилган композицион ёғоч-пластик плита материалларни қурилиш, мебель ва машинасозлик саноатида кенг қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза поясидан олинган конденцион ёғоч толала тўлдиргич ва улардан композицион ёғоч-пластикли плитали материаллар олишнинг чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

композицион ёғоч-пластик плитали материалларни олиш технологияси «Файз» МЧЖ қўшма корхонасининг модернизация қилинган технологик тизимида жорий этилган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 9 декабрдаги 05/15-2994-сонли маълумотномаси). Натижада, юқори физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларга эга бўлган 85000 м² ёғоч-пластик плитали материалларни олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган композицион ёғоч-пластик плитали материалларнинг оптимал таркиби «PROSPELL ALL» МЧЖ корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 9 декабрдаги 05/15-2994-сонли маълумотномаси). Натижада, зичлиги 620-728 кг/м³, эгилишга мустаҳкамлиги 13,6-18,2 МПа ва перпендикуляр узилишга мустаҳкамлиги 0,5-0,8 МПа бўлган 15 минг метр квадрат ёғоч-пластик плитали материалларни олиш имкониятини берган;

композицион ёғоч-пластик плитали материаллар «AZIMUT-MIG» МЧЖ қурилиш ташкилотида жорий этилган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2021 йил 9 декабрдаги 05/15-2994-сонли маълумотномаси). Натижада, ёғочни 2-3 баравар тежашга ҳамда корхонанинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг

асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 114 саҳифада баён этилган бўлиб, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Бир йиллик ўсимликларнинг ёғоч ва пояларини майдалаш ва улардан ёғоч-пайраҳалар ва ёғоч-пластик материаллар олиш технологиясининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида қурилиш, мебел ва машинасозлик саноатида фойдаланиладиган ёғоч пайраҳали тўлдирувчилар ва ёғоч-пластик плита материалларга бўлган талаблар келтирилган, ёғоч пайраҳали тўлдирувчилар ва ёғоч пластик плита материалларни тайёрлашда қўлланиладиган ёғочлар ҳамда бир йиллик ўсимликлар пояларини майдалаш ҳолати бўйича замонавий адабий манбалар ва патентлар билан лицензияланган ишланмалар ҳақидаги маълумотлар таҳлили келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёғоч пайраҳали ва ёғоч пластик плитали материалларни яратишда ғўза поясини майдалаш технологиси ва ундан конденцион ёғоч массали тўлдирувчилар олиш, бир йиллик ўсимликлардан композиция таркибига киритиш учун олинган тўлдирувчиларнинг таркиблари, нисбатлари ҳамда полимер боғловчиларнинг турларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу билан бирга, юқори физик-механик хоссали ёғоч пластик плита материалларни олишга имкон берадиган конденцион ёғоч толали массалар ва оптимал технологик режимлар ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган ёндошув мавжуд эмас. Ушбу муаммолар диссертация ишининг мақсадини белгилаб берган ва ана шу муаммоларни ҳал этишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Ёғоч-пластик плитали материалларининг ёғоч толали тўлдирувчиларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот объектлари ва уларни тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объектларни танлаш ва тадқиқот усуллари келтирилиб асослантирилган ҳамда ғўза поясидан ёғоч тола массали тўлдирувчилар олиш учун қўлланиладиган экспериментал қурилманинг ишлаш принципи тавсифлаб берилган. Ёғоч-пластик плитали материалларни физик-кимёвий, физик-механик текшириш усуллари ва олиш методикаси келтирилган. Композицион ёғоч-пластик

плиталарнинг физик-механик кўрсаткичларини текширишни статистик қайта ишлаш методикаси келтирилган.

Диссертациянинг «Ѓўза поялари ва улар асосида ёғоч-тола массасининг тузилиши, таркиби, физик-кимёвий ва мустаҳкамлик характеристикалари ва уларни фракциялаш хусусиятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида ғўза поясининг физик-кимёвий хоссалари, кимёвий таркиби, тузилиши, ғўза пояси ёғоч толали тўлдирувчи массасининг хоссалари ва фракцион таркиби ҳамда ёғоч тола массасини фракцияларга ажратиш жараёнининг эксперименталь тадқиқоти натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқотлар ёрдамида куруқ ҳолатда ғўза поясининг ҳажмий оғирлиги 0,38-0,42 г/см³, эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси – 0,60-0,68 МПа эканлиги аниқланди. Кўрсатилган характеристикалар тоғтеракдан олинган ёғочлар учун мос равишда 0,39-0,47 г/см³ ва 0,580-0,766 МПа ларга тенг. Ѓўза поясининг намлиги ўртача 10 % ни ташкил қилади.

Тоғтерак (осина) ва ғўза поясининг кимёвий таркиби бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тоғтерак ва ғўза поясининг кимёвий таркиби


Компонент, %	Тоғтерак (осина)	Ѓўза пояси
Целлюлоза	43,3	40
Лигнин	27,5	20
Пентозанлар	10,4	18
Бошқа бирикмалар	18,8	22

1-жадвалдан кўришиб турибдики, целлюлоза, лигнин, пентоза ва бошқа бирикмаларнинг кимёвий таркиби ғўза поясининг кимёвий таркибига яқинроқдир.

Майдаланган ғўза пояларининг толали қисми, ўзаги ва ёғоч заррачаларининг ўлчами ва шаклининг ҳар хиллиги каби ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилди (1-расм).

Биобарин, ғўза поясининг кимёвий таркиби тоғтеракнинг кимёвий таркибига яқинроқ, физик-механик хоссалари эса анча яхшироқ, бу эса ёғоч-пластик плита материалларни ишлаб чиқариш имконини беради.

1-расмдан кўришиб турибдики, ғўза поясини майдалаганда игнасимон шаклдаги ёғоч заррачаларидан тузилган ёғоч толали массани, илдизидан ташкил топган толали қўшимчаларни ва поя ядроси ҳамда ёғочининг янчилган қисмидан ташкил топган кичик фракцияларни ташкил қилади.



Изоҳ: Расм бурчакларидаги рақамлар қуйидагиларни англатади: биринчи рақам- фракция ўтган сито ячейкаси ўлчами, мм; иккинчи рақам- фракция ажралган сито ячейкаси ўлчами, мм; учинчи рақам- қиринди олинган ғўзапоялари пайраҳаи узунлиги, мм.

1-Расм. Ғўза пояси майдаланган массасининг фракцион таркиби

Диссертациянинг “**Ёғоч-пластик композицион плита материаллар ишлаб чиқаришда қўллаш учун ғўза поясини майдалаш ва улар асосида конденцион ёғоч тола массали тўлдирувчиларни олиш жараёнларини тадқиқ этиш**” деб номланган тўртинчи бобида ёғоч пластик плита материаллар ишлаб чиқариш учун яратилган икки босқичли майдалаш асосида, яъни ғўза поясини бирламчи майдалаб ундан ғўза пайраҳалари ва ғўза пайраҳаларини иккиламчи майдалаб ундан қиринди массалар олишда майдалагич конструкциясининг асосий технологик омилларини майдалаш ва конденцион ёғоч толали массалар шаклланиши жараёнларига таъсири тадқиқотлари кўриб чиқилди.


Даставвал ғўзапоя пайраҳаларининг асосий мезонларини, яъни такроран майдалашда сифатли қириндилар олиш учун унинг яроқлилигини аниқлаш зарур эди. Шунинг учун ғўзапоя пайраҳалари муайян узунликка эга бўлиши, бош толасининг охирларида “дум”лар бўлмаслиги ва ажратиб олинган масса таркибида узун ўлчамли толалар бўлмаслиги зарурати назарий томондан асослаб берилди. Бунга эса поясидан илдизи узилишдан мустасно бўлган, поя бўлаклари қирраларига текис кесим берадиган сифатли арралаш ва арралари маълум масофа ўрнатилган кўп аррали кескичли орган қўллаш йули билан эришилди.

Арралаш– кўп пичоқли инструмент-арра билан ёпиқ кесиш жараёни бўлиб, ёғочни ҳажмий деформацияланмаган қисмларга ажратади. Ушбу ҳолат қисмлар орасидаги ғўзапоя номинал ҳажмини ғўза пояси пайраҳаларига айлантириш йўли билан амалга оширилади. Кўндаланг кесишда тишнинг ён устаралари толани қайта кесади ва арралаш деворини шакллантиради, олд юза эса қайта кесилган толаларни йиғади ва арралашнинг тубини шакллантиради. Бу эса тишлар геометриясига қуйидаги талабни қўяди: олд юза контактга киришдан олдин ён устара толани қайта кесиши керак. Бунинг учун у манфий (ёки нол) контур бурчак ҳисобига ва қийшиқ чархлаш ҳисобига мусбат бурчакка эгаллиги сабабли қисқа устарага нисбатан аррани ҳаракати бўйича олдинга кўтарилган бўлиши керак. Тишлар қанчалик чуқурроқ кирса ишқаланиш иши ҳам шунча катта бўлади, бинобарин шунча кўп кесиш қуввати сарфланади. Металнинг тури ва поянинг намлигига боғлиқ ҳолда ғўза поясининг метал бўйича ишқаланиш коэффиценти 0,32-0,53 оралиқларда

жойлашади. Ёғоч билан солиштирилганда каттарокдир, бинобарин, пояда тишларнинг жойлашуви ёғоч билан таққосланганда чегараланган бўйиши керак. Демак, ғўза пояси юзасида мустаҳкам эгилувчан пўстлок, унинг остида эса ёғоч ва юмшоқ қисмдан иборат, ҳамда уюмни бир бири билан боғланмаган кўплаб поялар ташкил этади, қаттиқ, баъзан ғўза поя массаси деформацияланиши орқали кучайиш ҳолатдаги қаттиқ жисмни эмас, балки эгилувчан қайишқоқ жисмни эслатади.

Кесишнинг паст ва узатишнинг етарлича бўлмаган тезликларида тишда ёпишқоқ деформация келиб чиқади. Эгилувчан-қайишқоқ материаллар қаршилиги ташқи таъсирларга улардаги кучланиш ва деформациянинг тарқалиш тезлиги билан боғлиқ. Демак, ғўза поясини сифатли аралаш, яъни конденцион ғўза пайраҳаларини олиш учун кесиш ва узатишнинг тезликларини тўғри танлаш керак, бу эса арра тишларининг деформацияланиш тезлигига боғлиқ. Кесиш тезлигини 40-50 м/с дан 100 м/с гача ошириш кесиш кучини 30-40% га ортишига олиб келиши мумкин эканлиги исботланди.

Қурилмада узатиш тезлигининг турли хил қийматларида V нинг кесиш тезлигига V боғлиқлиги 2-расмда келтирилган.



Узатиш тезлиги, м/с: 0,02 (1); 0,04(2); 0,08(3); 0,12(4); 0,16(5); 0,2(6).

2 (а, б)-Расм. Конденцион ғўза пояси пайраҳалари миқдорининг кесиш тезлигига боғлиқлиги

2-расмдан кўриниб турибдики, узатишнинг барча тезликларида кесиш тезлиги ошиши билан массадаги конденцион ғўзапояси пайраҳаининг миқдори ортади, яъни кесиш яхшиланади. Эгри чизиқлар параболик характерга эга. Ғўзапоя пайраҳасининг энг кўп миқдори $v=0,02*0,12$ м/с га тўғри келиб, кейинчалик ортиши V нинг камайишига олиб келади. Бу эса ғўза пояси қатламига арра тишларининг чуқурроқ кириши ва кесиш режими бузилганлигидан далолат беради. Кесиш тезлигининг узатишни кам қийматларида V га таъсири анча яққол эканлиги характерлидир. Узатиш тезлиги ўзгариши билан кесиш тезлигининг материалга таъсири мавжуд бўлганлиги сабабли бу ҳолатни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Ғўза пояси учун кесиш ва узатиш тезлиги чегараланган қийматлар интервалига эга бўлиши керак, чегара интервалидан чиқиш майдаланган масса, шунингдек бутун жараённинг сифатини камайишига олиб келади. Бу эса ғўза поясининг табиий хусусиятига мос келади ва уни массада уюмда майдалаш заруратини келтириб чиқаради.


Демак, ўрнатилган оптимал кесиш тезлиги – 32,5 м/с, узатиш тезлиги – 0,04-0,16 м/с.

Узатиш тезлигининг жараён ва кесиш қуввати унумдорлигига таъсири икки ядро барабанли лаборатория қурилмасида ўтказилган текширувларимиз натижаси шуни кўрсатдики, узатиш тезлигининг максимал қиймати 0,16 м/с бўлганда танлаб олинган интервалда унумдорлик 50 кг/ч га, истеъмол қуввати эса 0,7 кВт га тенг экан.

Муаллиф томонидан ғўза пояси қаттиқлиги ва эластиклик модулини унинг намлигига боғлиқлиги ўрганилди. Намлик 12 дан 60% гача ошганда юқорида кўрсатилган иккала кўрсаткич ҳам 37% га камайиши аниқланди.

3-расмда В нинг узатиш ва кесиш тезлигининг турли қийматларида ғўза поясининг намлигига боғлиқлиги келтирилган. Кўришиб турибдики, намликнинг 40% гача ошиши В нинг ошишига олиб келади, сўнгра максимумдан ўтиб эгри чизиқ бир текисда камаяди. В бўйича оптимал зона $W = 30-50\%$ бўлганда эришилади. Шунинг учун энг самарали жараён узатиш тезлиги 0,04-0,12 м/с бўлганда содир бўлади.

Массадаги $B=75-80$ таркиб талабларини қаноатлантириш учун намлик қанча кам бўлса тезлик шунча юқори бўлишлигини 3-расмдаги графикдан хулоса қилишимиз мумкин. Намлик 10% бўлганда узатиш тезлиги 0,04-0,12 м/с га эришади. Ушбу ҳолат намлик 50% дан ошганда кузатилади.



Узатиш тезлиги: 0,04 м/с (1), 0,08 м/с (2), 0,12 м/с (3,3) 0,16 м/с (4,4) 0,2 м/с (5,5).

3-Расм. Ғўза пояси намлигининг конденцион ғўза пояси пайраҳалари миқдorigа боғлиқлиги

Ушбу қийматга эришиш учун сарфланган қурилма узатувчи органининг кинематикасини ҳисоблашда узатишни кучайтириш учун қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, диссертация ишида майдалаш самарадорлигига таъсир этадиган асосий омилларни аниқлашга имкон берадиган ғўза поясини бирламчи мадалаш жараёнини назарий ва экспериментал таҳлили ўтказилди. Ғўза поясининг намлиги, уюмнинг зичлиги, кесиш ва узатиш тезлиги каби омилларнинг оптимал параметрлари аниқланди.

Энди ғўза поясини иккиламчи майдалаш жараёнини, яъни ёғоч пластик плита материалар учун яроқли бўлган тўлдирувчилар–ғўза пояси пайраҳайдан конденцион қириндили массалар олиш жараёнини тадқиқ этишни кўриб чиқамиз. Ушбу мақсадда эришиш учун қиринди ҳосил бўлиш жараёни назарий

таҳлил қилинди ва экспериментал ўрганишлар натижасида иккиламчи майдалаш сифати билан композицион плита материаллар физик-механик хоссалари ўртасидаги боғланишлар аниқланди. Ғўза пояси пайраҳаининг узунлиги қириндининг узунлигига ва унинг фракцион таркибига таъсир этиши ўрнатилди. Маълумки, қиринди қанча узун бўлса плитанинг хоссалари шунча юқори бўлади. Аммо ғўза пояси пайраҳаининг узунлиги 4-6 см дан ошмаслиги керак, бундан оширилиши қириндини нотикис кесилишига ва узун ўлчамли эркин толалар ҳосил бўлишига олиб келади.

Ғўза поя пайраҳаининг турли узунликларида тўлдирувчининг (қириндининг, пайраҳаининг) фракцион таркиби қуйида 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Тўлдирувчи фракцион таркибининг ғўза пояси пайраҳалари
узунлигига боғлиқлиги**

Ғўза поя пайраҳаларининг узунлиги , мм	Фракцион таркиб, %								
	-/40	40/20	20/10	10/5	5/25	2,5/1,5	1,5/1	1/0,5	0,5/0
10	-	-	9,3	44,6	10,3	14,3	7	9,1	54,7
20	-	7,6	15,1	45,3	10,6	12,2	4,3	2,3	2,2
25	-	14	16	47,3	8,05	8,04	3	2	1
30	-	17,5	10,3	48	6,6	9,3	4	3	1,6
40	12	20,6	15,6	32,4	5,6	6,6	3	2,3	1,3
50	14	32,6	12	22,6	7,6	6,3	2	1,3	1
60	18,6	20,1	18	18	7,3	10	3,3	3	1,3
70	17,3	22	17,3	19,6	8,2	9,3	2,8	2	1
80	23	20,3	15,6	19,3	8,8	7,3	2,6	1,5	1,25
100	24,2	18	17	20,3	9,0	6,6	1,6	1,5	1,5


Тўлдирувчи сифатининг мезони сифатида С катталиги қабул қилинган, у эса % таркибига тенг бўлиб ундаги фракциялар зарралари 10/1 нисбатда. Кўришиб турибдики, тўлдирувчининг энг яхши таркибига ғўза пояси пайраҳаи узунлигининг қиймати 25-40 мм бўлганда эришилади. С= 65-70% бўлганда плитанинг физик-механик хоссалари энг яхши эканлигини ўтказилган олдинги эксперимент натижалари тасдиқлайди.

Пичоқли валга эга бўлган лаборатория станок(дастгоҳи)да қиринди(пайраҳа) ҳосил бўлиш жараёни тадқиқ қилинди. Ғўза поя пайраҳаи диаметри 8-12 мм бўлган бир нечта бўлакчалардан тузилганлиги сабабли қириндили станокнинг пичоқли вали айланганда улар ҳам думалайди, хусусан пичоқ билан тўқнашганда. Бу эса қиринди ҳосил бўлишни бошқариб бўлмайди, яъни пичоқ қаршисида ғўза поясини қайд қилиб бўлмаслиги сифатсиз жараёнга олиб келади.

Контрпичоқларга махсус қоплама(накладка)лар ўрнатиш ёрдами билан ушбу камчиликларни бартараф этиш имконияти топилди (4-расм). Қоплама


бурчаги Φ нинг қиринди (пайраха) сифатига бевосита таъсирга эга эканлиги аниқланди. Φ нинг қиймати станокнинг унумдорлигига таъсири ҳам ўрганилди. $\Phi=30-50^\circ$ га тенг бўлганда қиринди энг яхши фракцион таркибга эга бўлади(5-расм).

Махсус ўтказилган тадқиқотлар тўлдирувчи зарраларининг шакллари ғўзапоя пайраҳалари намлигига боғлиқлигини кўрсатади.



1.Қоплама. 2. Пичоқ. 3. Қарши пичоқ. 4. Пайраҳа.

4-расм. Қопламали пайраҳали қурилма ишчи органининг схемаси



Намлик: 10%(1); 35%(2) ва 60%(3).

5-Расм. Конденцион фракциялар миқдори С (а) ва майдалаш жараёнининг нисбий унумдорлиги К (б) нинг қоплама (накладка) бурчаги α га боғлиқлиги

Майдаланган масса сифатига пичоқ ва контр пичоқ орасидаги тирқишнинг таъсири ҳам ўрганилди. Γ нинг оптимал қиймати 1-1,2 мм га тенг эканлиги аниқланди.

Ишнинг биринчи ва иккинчи босқичлари асосида ғўза поясини бирламчи ва иккиламчи майдалаш технологияси яратилди.

Яратилган технология асосида ғўза поясини майдалаш орқали эксплуатацион талабларни қаноатлантирадиган хоссаларга эга бўлган композицион плиталар олинди (3-жадвал).

**Ғўза поясидан олинган композицион плита ва ДСП нинг ГОСТ
10632-89 бўйича физик-механик хоссалари**


Кўрсаткичлар	Ғўза поясидан олинган композицион плита материал(зичлик 75 кг/м ³)	ГОСТ 10632-89
Эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	23-27	15-18
Юзага перпендикуляр холатда чўзилишдаги мустаҳкамлиги, МПа	0,7-0,85	0,3-0,35
Бўкиш, %	20-30	20-27

Диссертациянинг “Ғўза поясидан конденцион ёғоч-толали тўлдирувчилар олиш ва улар асосида модификацияланган модифиноформальдегид смоласидан фойдаланиб композицион-пластик плитали материалларни ишлаб чиқариш бўйича яратилган технологиянинг амалий ва иқтисодий жиҳатлари” деб номланган бешинчи бобида майдалаш ва конденцион ёғоч тола массали тўлдирувчиларни олишнинг технологик линия схемаси ҳамда ғўзапоясини майдалашдан ҳосил қилинган конденцион ёғоч тола массали тўлдирувчилар ва полимер боғловчилар асосида композицион плиталарни олишда ишлаб чиқилган пресшлаш режимини амалга ошириш натижалари келтирилган.

Ўтказилган комплекс илмий-услубий ва амалий тадқиқотлар асосида конденцион ёғоч тола массали тулдирувчилар олиш учун технологик линия ишлаб чиқилди. Ғўза пояси ва полимер боғловчилар асосида ёғоч пластик плита материаллар ишлаб чиқариш ишга туширилди.

Ғўза пояси ва полимер боғловчилар асосида ёғоч пластик плита материаллар ишлаб чиқариш бўйича яратилган технологик линия схемаси 6-расмда келтирилган.

Ёғоч пластик плита ишлаб чиқариш бўйича ушбу технологик линиянинг ишлаш принципи қуйидагиларни ўз ичига олади: кўтаргич 1 ёрдамида прессланган ғўза пояси уюми 2 транспортер 3 га узатилади, кейин прессланган ғўза пояси уюми ғўза поясини ғўза поя пайраҳаига айлантирадиган майдалагич 4 га узатилади, ғўза пояси пайраҳаи қириндига айлантирадиган майдалагичга тушади. У ердан қиринди винтли шнек ёрдамида кесувчи пичоққа эга бўлган бўлим (отсек) 8 га тушади ва қиринди фракцияларга ажратилади. Фракцияларга ажратилган қиринди транспортер 8 ёрдамида ДППМ линиясига йўналтирилади ва дозаторли бункер 10 га тушади, Ушбу бункерда сиғим 9 дан келган полимер боғловчи билан қайта ишланади. Қайта ишланган ёғоч тола массалари қуритилиб 11 сиғимга узатилади, ДСМ-12 типдаги аралаштиргич ёрдамида аралаштирилади ва шакл бериш машинаси 13 га ўтказилади ва ёғоч пластик плиталарга шакл берилади. Пресшлаш ва тайёр плиталарни олиш гидравлик пресс 14 да амалга оширилади. Ва ниҳоят плиталар ярим айланали(веер) 15 совуткичида совутилади.



6-Расм. Ғўза пояси ва полимер боғловчилар асосида ёғоч пластик плитали материаллар ишлаб чиқариш технологик линия схемаси

Ёғоч қириндили (пайраҳали) плиталар (ДСП) ва ёғоч пластик композицион плита материалларининг физик-кимёвий хоссалари 4-жадвалда келтирилган.

Композицион плита материал қуйидаги технологик режимда олинди: пресслаш ҳарорати -180°C ; пресслаш вақти-7 мин., пресслаш босими- 3-3,5 МПа.

Ғўза поясидан пайраҳали плиталар ишлаб чиқаришнинг умумий регламентини преесслаш жараёнига технологик регламент тузилди, ёғоч пластик плита ишлаб чиқариш бўйича махсус ташкилот «PROSPER ALL» МЧЖ да 15 минг m^2 плита тажриба синов тариқасида ишлаб чиқарилди.

Плитанинг ишлаб чиқилган технология бўйича олинган тажриба партияси ГОСТ 10632-00 талаблари билан таққосланганда яхшиланган физик-кимёвий хоссаларга эга.

Ишлаб чиқарилган ёғоч пластик композицион плита материалдан «AZIMUT-MIG» ОАЖ қурилиш ташкилотида 15 тыс. m^2 ишлатилганда, хизмат қилиш муддатини ҳисобган олмай фақатгина нархлардаги фарқни ҳисобига иқтисодий самарадорлик 309,315 млн. сум ни ташкил этди. Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажмига ҳисоблаганда иқтисодий самарадорлик 2 млрд. сумни ташкил этади.

4-жадвал

Ёғоч пайраҳали плиталар (ДСП) ва ғўза пояси ва полимер боғловчилардан фойдаланиб олинган ёғоч пластик композицион (ЁПКП) плиталарнинг физик-кимёвий хоссалари

Материал хоссаларининг кўрсаткичлари	ГОСТ 10632-00 бўйича 720-800	Турлик хил зичликларда, $\text{кг}/\text{м}^3$, ЁПКП хоссалари
--------------------------------------	------------------------------	---

	кг/м ³ зичликда ЁПП хоссалари	550-640	650-700	720-800
Эгилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа, қалинлиги 16мм дан кам эмас	15-18	17-20	23-27	27-30
Юзага перпендикуляр ҳолатда чўзилишдаги мустаҳкамлиги, МПа, дан кам эмас	0,3-0,35	0,45-0,6	0,80-0,9	0,9-1,1
Бўкиш, %, одатдаги сувга чидамлигидан кўп бўлмаган	20-30	27-30	18-25	15-18
Қаттиқлик, МПа	19,6-39,2	30-35	35-42	38-48
Статик эгилишдаги эластиклик модули, МПа	1770-4410	1500-2000	2200-3000	3000-4500
Михни ушлаш солиштирма қаршилиги, Н/м	2,45-2,65	2,3-2,5	2,5-3,0	2,6-3,1
Шурупларни ушлаш солиштирма қаршилиги, Н/м	58800-117700	60000-90000	90000-110000	110000-120000

ХУЛОСА

1. Ғўза поясидан конденцион ёғоч тола массали тўлдирувчи олиш ва улар асосида қурилиш, мебел, машинасозлик ва бошқа саноат соҳалари учун самарали ишлатиладиган юқори физик-механик хоссаларга эга бўлган композицион ёғоч-пластик плита материаллар олишга имкон берадиган чиқиндисиз майдалаш технологиясини яратишнинг илмий асосланган ёндошуви ишлаб чиқилди.

2. Ғўза поясини майдалаб биринчи босқичда муайян сифат ва узунликдаги бўлакчалар (ғўза пайраҳалари), иккинчи босқичда эса улар асосида ёғоч тола массали дисперс заррачалар олишнинг икки босқичли усули таклиф этилди.

3. Бирламчи ва иккиламчи майдалашда ғўза поясининг намлиги, узатиш тезлиги, кесиш тезлиги, уюмнинг зичлигига, иккиламчи майдалашда эса ғўза поя пайраҳаларининг узунлиги ва намлиги каби омилларга боғлиқлиги аниқланиб, энг кам сув ютилиши ва бўкиши учун қириндининг узунлиги 20-25 мм ва қалинлиги 0,3-0,8 мм бўлиши тавсия этилди.

4. Ғўза поясини сифатли арралаш орқали конденцион ғўза таёқчаларини олишда кесиш тезлигини 100 м/с гача ошириш натижасида кесиш кучи 30-40% га ортиши аниқланди.

5. Композицион ёғоч плита материалининг 24 МПа бўкишдаги мустаҳкамлик чегарасининг максимал қиймати қириндини ўртача узунлиги 20-30 мм бўлганда кузатилиши, плита юзасига перпендикуляр 0,75 МПа босим бўлганда максимал мустаҳкамлик чегараси эса қириндининг ўртача узунлиги 25-30 мм бўлганда кузатилиши аниқланди.

6. Ғўза поясидан конденцион қириндили массалар олиш жараёнида иккиламчи майдалаш сифати билан композицион плита материалларининг физик-механик хоссалари ўртасидаги боғланишлар аниқланди.

7. Композицион ёғоч пластик плита материалларни преслашнинг оптимал технологик режимлари тавсия этилди ҳамда уларни ишлаб чиқариш бўйича корхона стандарти ва технологик регламент ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ имени
ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
«ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

**На правах рукописи
УДК.621.893.677.21**

МАДРАХИМОВ АЛЛОБЕРДИ МАХМАДАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА БЕЗОТХОДНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
КОНДЕНЦИОННОГО ДРЕВЕСНОВОЛОКНИСТОГО
НАПОЛНИТЕЛЯ ИЗ СТЕБЛЕЙ ХЛОПЧАТНИКА И
КОМПОЗИЦИОННЫХ ДРЕВЕСНО-ПЛАСТИКОВЫХ ПЛИТНЫХ
МАТЕРИАЛОВ ИЗ НИХ**

02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и
резиновых материалов (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научные консультанты:

Абед Нодира Сойибжановна
доктор технических наук, профессор.

Расмий оппонентлар:

Бозорбоев Шухрат Абдурахимович
доктор философский наук (PhD)

Улмасов Тулкин Усманович
доктор технических наук (DSc)

Ведущая организация:

Тошкент кимё-технология институти

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 года в 11:00 часов на заседании разового научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taragqiyot@mail.ru, на здание «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номерам №). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года
(протокол реестра №__от_____2021 г.).

С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, академик АН РУз, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.х.н., с.н.с.

А.М. Эминов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., проф.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире спрос на изделия из дерева в строительстве, мебельной промышленности и машиностроении растет день ото дня. В этом аспекте создание и разработка специальных устройств для получения конденсирующихся древесноволокнистых наполнителей из стеблей хлопчатника и разработка безотходной технологии получения композиционных древесно-пластиковых плитных материалов для создания и разработки древесно-пластиковых плитных материалов с высокими физико-механическими и эксплуатационными свойствами применяемые в строительной отрасли, машиностроения и мебельной промышленности имеет важное значение.

В мире проводятся исследования по созданию и внедрению специального оборудования и устройств на основе инновационных идей с целью разработки эффективных композиций композиционных древесно-пластиковых плитовых материалов на основе измельченной древесной стружки, отвечающих современным требованиям, обладающих высокими физико-механическими и технологическими свойствами. В связи с этим создание специальных технологий и устройств для производства композиционных древесно-пластиковых плитных материалов на основе измельченных стеблей хлопчатника и полимерно-связующих наполнителей в крупных странах-производителях хлопка, разработка методов получения качественной продукции для их внедрения в практику, использование вторичных ресурсов, особенно отходов сельского хозяйства, для удовлетворения потребности в древесно-пластиковых плитных материалах имеет особое значение.

В республике проводится ряд мероприятий по обеспечению древесно-пластиковыми материалами (ДПМ) на основе измельченных стеблей хлопчатника строительной, мебельной и машиностроительной промышленности, и достигаются значительные результаты. В четвертом пункте программы Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по «... стимулированию исследований и инноваций, ... созданию эффективных механизмов для внедрения научных и инновационных достижений ...» поставлены важные задачи. В этом аспекте разработка усовершенствованной технологии измельчения стеблей хлопчатника и получения из них условных наполнителей, разработка технологии получения и измельчения древесноволокнистого наполнителя из стеблей хлопчатника для производства композиционных древесно-пластиковых плитных материалов, а также разработка композиционных древесно-пластиковых плитных материалов на основе стеблей однолетних растений и полимерных связующих для получения эффективных составов плитных материалов и определения оптимальных технологических режимов имеет особое значение.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития экономики Узбекистан в 2017-

2021годы», от 13 июля 2020 года №УП-5963 «О дополнительных мерах по углублению реформ в строительной сфере Республики Узбекистан», от 6 октября 2020 года №УП-6069 об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан 2030» и мерах по ее эффективной реализации и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 22 сентября 2016 года № ПП-319 «О мерах по созданию современных производств по выпуску древесностружечных плит из стеблей хлопчатника», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химическая технология и нанотехнология».

